

ТОШКЕНТ

ОҚШОМ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 227 (10.280)

2004 ЙИЛ 22 НОЯБРЬ

ПОЙТАХТНИНГ Бир кўни

Янгиликлар, воқеалар

Киска

● **ХАЛҚАРО** бизнес марказида сиёсий партиялар, ташаббускор гуруҳлар вакиллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирокида бўлиб ўтган семинар «Сайлов кампаниясида ташаббускор гуруҳларнинг фаолияти» деб номланди.

● **ЎЗБЕКИСТОН** Давлат жаҳон тиллари университетига КЕЧА талабалар ва ўқитувчилар иштирокида «Талабалик — олтин даврим» мавзuida тадбир бўлиб ўтди.

● **ТАДБИРКОРЛАР** ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон либерал-демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши қошидаги «Суҳбатдош» клуби ташаббуси билан КЕЧА маҳаллалар фаоллари иштирокида уюштирилган тадбир «Сайловлар ва оиладаги ҳуқуқ-мажбуриятлар» деб номланди.

● **ЯККАСАРОЙ** туманидаги «Кўшбеги» маҳалласида маҳалла фуқаролар йиғини ҳамда саховатпеша инсонлар жамийликларида бунёд этилган янги гузар фаолият бошлади.

● **РЕСПУБЛИКА** тасвирий ва амалий санъат лицей-интернати ташкил этилганга 75 йил тўлди. КЕЧА Бадий академиянинг Марказий кўргазмалар залида Республика тасвирий ва амалий санъат лицей-интернати ўқувчилари томонидан яратилган асарлар кўргазмаси намойиш этилди.

● **БУРГЕН** Сергели туманидаги 7-мактабда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман Кенгаши ташаббуси билан сардорлар иштирокида «Камолот» — бу сенинг ташкилотинг» шиори остида ўқув семинари ўтказилди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги
Матбуот хизмати ва ўз
мухбирларимиз
хабарларидан.

Обуна — 2005

«ОҚШОМ» ДОИМИЙ ҲАМРОҲИНГИЗ, ДИЛКАШ СУҲБАТДОШИНГИЗ

Азиз оқшомхон! Маълумки, шу кунларда мамлакатимизнинг барча алоқа бўлимларида сиз севиб мутолаа қиладиган «Тошкент оқшом» газетасига 2005 йил учун обуна қизгин давом этмоқда. Буни тахририятимизга муштарийларимиздан келиб турган обуна билан боғлиқ хат-хабарлардан ҳам билса бўлади. Зеро, матбуотнинг қадрига етган, уни ҳаётининг ажралмас қисми, мазмуни деб билган, республикаимизда ҳамда жаҳонда рўй бераётган янгиликлардан мунтазам хабардор бўлиб боришни истаган инсон учун обуна масаласида ҳеч қандай баҳона сабаб бўла олмайди.

Албатта, қарс икки кўлдан чиқади. Қайсики нашр мазмундор ва қизиқарли мақолалар билан ўқувчига манзур бўлса, унинг муштарийлари ҳам ўз-ўзидан ортиб боради. Мана шу ниятда барча газета

ва журналлар қатори «Оқшом» тахририяти ҳам ўз ихлос-мандларининг тақлиф ва истақларидан келиб чиқиб келгуси йилда газетани янада ўқимшироқ қилиш мақсадида бир қатор режаларни бел-

гилаб қўйди. 2005 йилдан бошлаб янги-янги рукнлар остида ранг-баранг мавзудаги мақолаларни ўз саҳифаларида ёритиб боради. Шундай экан, сизга ҳар доим энг яқин ҳамдам, ҳамфикр ва маслаҳатгўй

бўлиб келган сеvimли нашрингизга обуна бўлишга шошиллинг. Шундагина янги йилнинг биринчи кунидан бошлаб «Оқшом» хонадонингизга ўзи кириб бориши. Бизнинг нашр кўрсаткичимиз — 563.



ЎЗБЕКИСТОН-ТУРКМАНИСТОН: ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Илгари хабар берилганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов тақлифига биноан Туркменистон Президенти Сапармурот Ниязов 19 ноябрь кунини расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлди.

Тарихи ва маданияти чамбарчас боғланган, тили ва дини бир ўзбек ва туркман халқлари минг йиллар давомида ёнма-ён яшаб келади. Бу икки халқ таъриқий даврларини ҳам, зулму истибдод замонларини ҳам бир-галикда бошдан кечирган.

Истиқлолга эришгандан кейин Ўзбекистон ва Туркменистон раҳбарларининг бир неча бор олий даражадаги учрашувлари ўтказилди. Бу саммитлар ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш ва ривожлантиришга интилаётган мамлакатларимизнинг янги асосдаги муносабатларига тамал тошини қўйди ва унинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлади.

Президент Сапармурот Ния-

зовнинг Ўзбекистонга 1997 йилдаги расмий ташрифи асосида Хива шаҳрида буюк туркман шоири ва мутафаккири Махтумқулининг ҳайкали очилган эди. Бу бир бирининг ижодкорлари асарларини таржимасиз ўқийдиган икки халқ маданий ҳаётида улкан воқеа бўлган.

Туркман элининг сардори бу сафар пойтахтга эмас, Бухорои шарифга ташриф буюрди. Бунда ҳам чуқур маъно бор. Маданий меросимиз сингари азиз-авлиёларимиз, муқаддас қадамжоларимиз умумий эхтиромда.

19 ноябрь кунини бу қадимий шаҳар аввал саммит мезбони — Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовни

кутиб олди. Сўнгра Туркменистон раҳбари келди.

Бухоро аэропортида олий мартабали меҳмонни расмий кутиб олиш маросими бўлди.

Анжуман Президентларнинг яқкама-яқка мусохабасидан бошланди. Ислам Каримов ва Сапармурот Ниязов Ўзбекистон—Туркменистон ҳамкорлигига доир масалаларни муҳокама қилдилар. Айрим суз ҳўжалиги иншоотларидан ҳамкорликда фойдаланиш, Кўкдумалок конини ўзлаштириш истиқболлари, давлат chegarасини делимитация қилиш ва кўплаб бошқа масалалар кўриб чиқилди.

Давоми 2-бетда.

САЙЛОВЛАР ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Фарғона вилоят бўлими ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайлов ўтказувчи вилоят сайлов комиссиясининг матбуот маркази ҳамкорлигида ўтказилган анжуман сайлов кампаниясининг оммавий ахборот воситаларида ёритилишига бағишланди. Унда вилоят оммавий ахборот воситалари вакиллари, сиёсий партияларнинг вилоят кенгашлари раҳбарлари иштирок этди.

ка номзодлар, сиёсий партиялар ва фуқаролар ташаббускор гуруҳларининг эфирдан ва даврий нашрлардан фойдаланиш тартибига доир муҳим амалий йўл-йўриқлар мавжуд.

Мулк шаклидан қатъи назар, барча оммавий ахборот воситалари сайловолди ташвиқоти билан боғлиқ фаолиятида ана шу ҳуқуқий асосларга таяниши сайлов кампанияси фаол, холис, ҳаққоний ва фикрлар хилма-хиллиги руҳида ўтишининг кафолати ҳисобланади.

Вилоятда бугунги кунда 81 даврий нашр ва 5 телестудия фаолият кўрсатмоқда. Шундан 21 нашр ва 2 телестудия хусусийдир.

ЎЗА

XVI сароси

Барча малбалардан
олинган сўнги хабарлар

Мамлакатимизда

● Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан инсон ҳуқуқларига риоя этилиши ҳолатини ўрганиш бўйича Идораларо ишчи гуруҳининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

● Тошкентдаги Бозор кўникмаларини ривожлантириш марказида «Бизнес таълимидаги муаммолар ва имкониятлар» мавзuida давра суҳбати ўтказилди.

● Тошкент темир йўл вокзалидан Нукусга томон «Муруват» поезди йўлга чиқди. Навоий, Хоразм вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида истиқомат қилувчи аҳолига тиббий ва ижтимоий ёрдам кўрсатиш мақсадида йўлга чиққан ушбу поездда дори-дармон, кийим-кечак, санитария-гигиена воситалари бор.

● Миллий матбуот марказида АҚШ ҳукумати томонидан ажратилган инсонпарварлик ёрдами тўпширишга бағишланган тақдирот маросими бўлиб ўтди.

● Андижондаги Бобур номидаги кутубхонада ҳуқуқий ахборот маркази ва нодавлат, нотижорат ташкилотларни ахборот билан таъминловчи маркази очилди.

● Бухоро вилоятининг Қорақўл туманида киска фуқаротларда замонавий тиббиёт коллежи биноси қад ростлади. «20-трест» акциядорлик жамияти томонидан 1 миллиард 262 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилиб, коллеж биноси фойдаланишга топширилди.

Жаҳонда

● Россия Президенти Владимир Путиннинг Чилига ташрифи давомида ушбу мамлакат Президенти Рикардо Лагос билан ўтказилган музокаралар натижасида 10 га яқин икки томонлама манфаатли шартномалар имзоланди.

● Кеча Украинада Президент сайловларининг иккинчи босқичи бўлиб ўтди.

● Европа парламенти унинг раиси Жозеф Мануэл Баррозу томонидан тавсия этилган Европа комиссиясининг янги таркибини тасдиқлади. Парламентда ЕИ ижрочи органи аъзоларини тасдиқлаш чоғида катта муаммоларга дуч келинмади.

● Польшада рўй берган кучли довул оқибатида 7 киши ҳаётдан кўз юмди, 9 нафари жароҳатланди. Мамлакатни электр қуввати билан таъминловчи тармоқлар ишдан чиқди.

● Британия парламенти Лордлар палатаси эътирозига қарамай тулки овини тақиқловчи қонунни қабул қилди.

ЎЗБЕКИСТОН-ТУРКМАНИСТОН: ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Давоми. Боши 1-бетда.

Президентлар минтақавий ҳамкорлик, иқтисодий интеграция ва хавфсизлик масалалари, шунингдек, Афғонистондаги вазият юзасидан ҳам атрафлича фикр алмашдилар.

Олий даражадаги бу учрашув Ўзбекистон ва Туркменистоннинг ҳамкорлик йўлидаги интилишлари муштарак эканлигини кўрсатиши таъкидланиб, ушбу саммит икки томонлама муносабатлар ривожига янги босқични бошлаб беришига ишонч билдирилди.

Икки мамлакат расмий делегацияларининг кенгайтирилган тартибдаги музокарасида мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорлик масалалари асосий эътиборда бўлди.

Ўзбекистон билан Туркменистон ўртасида ўзаро товар айирбошлаш ҳажми сўнгги йилларда ошиб бормоқда. Утган йили бу борадаги кўрсаткич 90 миллион АҚШ долларини ташкил этган бўлса, жорий йилнинг 9 ойида 146,5 миллион доллардан ошди.

Мамлакатларимиз ўртасида транзит юк ташвишида ўзаро хизмат кўрсатиш соҳасида мустаҳкам ҳамкорлик қарор толган. 2003 йили Ўзбекистон ҳудуди орқали Туркменистонга тегишли 1 миллион 894 минг тонна, жорий йилнинг 8 ойи давомида эса 1 миллион 255 минг тонна юк ташиб ўтилди. Ўзбекистоннинг Туркменистон ҳудуди орқали ўтган экспорт-импорт юкларини ҳажми 2004 йилнинг 8 ойида 2 миллион 666 минг тоннани ташкил этди.

Кўрсаткичлар юксалётганига қарамай, савдо-иқтисодий ҳамкорлик бобида имкониятлар тўлиқ ишга солинаётгани музокарада алоҳида таъкидланди. Масалан, 1996 йилда тузилган кўша комиссияси фақат икки марта мажлис ўтказган. Ваҳоланки, имкониятлардан кенгроқ фойдаланиш, ҳамкорликни рағбатлантириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш айнан мана шу комиссия зиммасига юлган.

Аслида қундалик эҳтиёж моллари билан ҳам яхши савдонини йўлга қўйиш, кўша корхоналар сонини кўпайтириш мумкин. Нефтни қайта ишлаш ва қимё санаоти, озиқ-овқат маҳсулотлари шулар сирасидан.

Бу масала чуқурроқ таҳлил этилса, ҳамкорлик учун кенг фаолият майдони мав-

жуд эканлиги аён бўлади. Бу борадаги ҳаракатнинг ҳуқуқий таъминотига келсак, сарможаларни ўзаро химоялаш ва рағбатлантириш, икки томонлама солиқдан қочиш, халқаро дарё, йўловчи ва юк ташвиш алоқаси тўғрисида икки томонлама ҳужжатлар имзоланган. Иқтисодий ҳамкорликка оид йигирмадан зиёд ҳужжат мавжуд.

Музокарада тегишли вазирлик ва идораларга икки томонлама келишувлардан самарали фойдаланишнинг ва алоқаларни кенгайтиришнинг чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, ишбилармонларнинг бевосита алоқаларини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш вазифаларини топширишига келишиб олинди.

Ижтимоий соҳадаги алоқаларнинг ҳам ҳуқуқий пойдевори мустаҳкам. У маданият, таълим, сайёҳлик каби қатор соҳаларни қамраб олган. Ўзбекистонда туркманлар, Туркменистонда ўзбеклар истиқомат қилиши, кўп жойларда икки халқ вакиллари қуда-андалиқ, қариндошлик ришталари билан мустаҳкам боғлангани ҳам ижтимоий алоқаларни ривожлантиришда муҳим омил бўлмоқда. Ўзбекистонда қатор маҳаллий ҳамда мамлакат миқёсидаги туркман миллий маданият маркази ишлаб турибди. Дарслар туркман тилида ҳам олиб бориладиган 66 мактабда 16 минг бола таълим олмақда.

Ўзбекистон—Туркменистон муносабатлари ҳуқуқий жиҳатдан ҳар томонлама мустаҳкамланган. Икки ўртада жамаи ордан зиёд ҳужжат қабул қилинган. Улар орасида ўзаро муносабатларнинг асосий тамойиллари асос эътибордан Дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги шартнома асосий ўрин тутди. Ўзбекистон ва Туркменистон илм-фан, техника ва ахборот соҳаларида, ҳарбий-техникавий ҳамкорлик бўйича ва наркотик моддаларнинг ноқонуний савдосига қарши курашга оид келишувларга ҳам эришган.

Давр тақозо қилган ўзгаришларга ўз вақтида ва тўри ёндашиш Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги муносабатларда яхши таомилга айланган. Ислол Каримов ва Сапармурот Ниёзов Ўзбекистон билан Туркменистон ўртасида дўстлик, ўзаро ишончини мустаҳкамлаш ва ҳамкорликни ривожлантириш тўғрисидаги шартнома, фуқароларнинг ўзаро қатновлари ва чегарабўйи вилоятларида яшовчи фуқароларга енгиллаштирилган қатнов тартиби

тўғрисидаги ҳамда чегарабўйи вилоятлари ҳудудида жойлашган ҳўжалик объектларида хизмат қилувчи шахсларнинг Ўзбекистон—Туркменистон чегарасини кесиб ўтиши тўғрисидаги ҳуқуқлараро битимларга имзо чекдилар.

Музокаралар якунида ўтказилган матбуот анжуманида Президентлар Ўзбекистон—Туркменистон чегараси дўстлик ва тинчлик чегараси эканлигини, саммит давомида имзоланган ҳужжатлар Ўзбекистон билан Туркменистон ўртасида узоқ муддатли ҳамкорликни барча йўналишларда кенг ривожлантиришга хизмат қилишини таъкидладилар. Мазкур учрашув икки мамлакат ўртасида баҳоли масалалар, ўзаро муносабатларда томонларнинг ташвиши соладиган муаммолар йўқлигини кўрсатди.

Сапармурот Ниёзов Туркменистон Ўзбекистон учун яхши қўшни бўлган ва доимо шундай бўлиб қолаётгани алоҳида таъкидлади.

Ислол Каримов «Узоқдаги қариндошдан яқиндаги қўшни яхши» деган ўзбек мақолини тилга олиб, муносабатлар шу асосда ривожланаётганини қайд этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислол Каримов Туркменистон Президенти Сапармурот Ниёзовга Асака шаҳридаги «УДЭУавто» қўша корхонасида ишлаб чиқарилган «Ласетти» автомобилни сова қилди.


Расмий тадбирлар ниҳоясига етганидан кейин Ислол Каримов ва Сапармурот Ниёзов Баҳоруддин Нақшбанд мажмуини зиёрат қилдилар.

Олий мартабади меҳмон мазкур мажмуанинг бунёд этилиш тарихи, мамлакатимизда буюк аждодлар хотирасини тиклаш ва уларнинг меросини ўрганиш борасида амалга оширилаётган ишлар билан таништирилди.

Сапармурот Ниёзов халқларимизнинг миллий-маданий қадриятлари бир-бири учун гоёт эъозоли эканлигини таъкидлади. Ўзбекистон раҳбариятининг бу борадаги саяё-ҳаракатларига юксак баҳо берди.

Шу билан Туркменистон Президенти Сапармурот Ниёзовнинг мамлакатимизга расмий ташрифи ниҳоясига етди.

**Анвар БОБОЕВ,
Илҳом САФАРОВ,
ЎЗА махсус мухбирлари.**



Жаҳон ва маҳаллий ахборот воситалари хабарларидан

● Абхазияда бўлиб ўтган президентлик сайлови натижаларидан қониқмаган номзод Паул Хажимба тарафдорлари ҳамон норозилик кайфиятида. Бўлиб ўтган президентлик сайловларини ноқонуний, деб ҳисоблаган Паул Хажимба бир неча бор қайта овоз бериш жараёнини талаб этган эди. Лекин унинг талаби қондирилмай, унинг рақиб Сергей Багапш сайловда ғолиб, деб топилди.

● Аввалроқ эришилган келишувларга қўша, Болгария 2007 йилда Европа Иттифоқи-га қўшилиши кўзда тутилган эди. Бироқ, мамлакат раҳбарияти мазкур нуфузли иттифоққа келаси йилдаёқ қўшилиш ниятида эканлигини маълум қилди. Бош вазир Симеон Сакс-Кобургскийнинг Швециядаги ташриф чоғида берган баёнотида биноан, Болгария келгуси йилда Европа Иттифоқи билан тегишли шартнома тузиш учун ҳаракат бошлаган.

● Бағдодда Польша элчихонасига ҳужум уюштирилди. Польша ташки ишлар вазирлиги матбуот котибининг сўзларига қараганда таҳминан 15 жангари элчихона биносини ўққа тутган. Ўз навбатида уларга жавобан ўт очилган. Отишма ярим соатга яқин давом этган. Ҳодиса натижасида қурбонлар ва яраланганлар йўқ.

● Покистон хавфсизлик кучлари вакилларининг маълумот беришича, мамлакатнинг Афғонистон билан чегарадош бўлган худудларда бир неча жангари гуруҳлари йўқ қилинган. Покистон армияси генерал майори Ниёз Хаттоқ ҳукумат қўшинлари томонидан ўтказилган йирик амалиёт натижасида кўп сонли жангари ва уларнинг турар жойлари йўқ қилинганлиги ҳақида маълумот берди.

● Фаластин жангарилари Фаластини озод қилиш ташкилотининг ҳозирги раҳбари Махмуд Аббосга суяқсод уюштирилди. Ташкилот раҳбари талофат қўргани йўқ. Маълум қилинишича, унинг икки танк қўриқчиси ҳалок бўлган. Махмуд Аббос мухторияти етакчилиги топширилиши мумкин бўлган номзодлардан биридир.

● Мадриддаги темир йўл вокзалида юз берган портлашларда гумон қилинаётган террорчи иши судда муҳокама қилинмоқда. 16 ёшли Испания фуқароси ўз айбига иқрол бўлди. У Мадриддаги хунрезликларда фойдаланилган портловчи моддаларни террорчиларга етказиб берганлигини тан олди. Жорий йил 11 мартда рўй берган террорчилик оқибатида 191 одам ҳалок бўлган.

● Лейпциг шаҳрида футбол кироли Пеле ва «ЖЧ-2006» ташкилий қўмитаси раҳбари Франц Беккенбауэр Германияда бўлиб ўтадиган навбатдаги жаҳон чемпионати рамзи ва тўпини намойиш қилишди. Рамзда «Голлео 6» номини олган шер акси туширилган. Расмий тўпни эса «Пилле» деб номлашди.

Болалар спортини

ЎҚИТУВЧИЛАР МАЛАКА ОШИРДИ

Умумий таълим мактабларида спортни ривожлантириш ва уларнинг спорт базасини мустаҳкамлаш 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умумий миллий дастурида белгиланган устувор вазифалардан. Шу сабаб болалар учун спорт иншоотларини барпо этиш, уларни зарур анжомлар билан таъминлаш, мурабийлар ва ўқитувчиларнинг малакасини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Абдулла Авлоний номидаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказий институтини таъминоти тарбия ўқитувчилари учун малака ошириш ўқув курслари ҳам ушбу мақсадда ўтказилди. У Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси билан ташкил этилди.

Машгулотларда Қорақалпоғистон Республикаси, виллоятлар ва пойтахтимиз ўқитувчилари жисмоний тарбия бўйича давлат таълим стандартлари, режа ва дастурлар, дарсликлар, ўқув ва услубий қўлланмалар билан танишди. Пойтахтимиздаги «Умида», «Истиқлол» спорт мажмуаларидаги очиқ амалий дарсларда қатнашиб, у ердаги спорт машгулотлари билан танишиш имконига эга бўлди.

**Назokat УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири**

МДХ МИНТАҚАСИ БОЗОРИГА ЙЎЛ

Яқинда Ҳиндистоннинг йирик sanoat марказларидан бири — Ҳайдаробод шаҳрида «Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги минтақаси бозорига йўл» мавзусига бағишланган халқаро анжуман бўлиб ўтди.

Мазкур тадбир доирасида ташкил қилинган «Ўзбекистон: иқтисодий ва бизнес ҳамкорлиги учун имкониятлар» мавзусидаги тақдимотда мамлакатимизнинг улкан иқтисодий салоҳияти ҳақида батафсил ахборот берилди. Шунингдек, ҳинд ишбилармонлари бугунги кунда ўзбек заминидан олиб борилаётган иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш ва эркинлаштириш жараёни, чет эллик сармоядорлар учун яратилган имтиёз, қулайлик ва кафолатлар, нуфузли халқаро

молия ташкилотлари билан мустаҳкамлиб бораётган ҳамкорлик ришталари билан яқиндан танишдилар.

Тадбирда сўзга чиққан мамлакатимизнинг Ҳиндистондаги элчиси И.Мавлонов Ўзбекистонда замонавий йўл-транспорт коммуникацияларини барпо этишга алоҳида эътибор қаратилаётганини қайд этди. Термиздан Афғонистон орқали Эрон денгиз портларига оид борадиган йўлнинг қурилиши Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасидаги

савдо-иқтисодий муносабатларини янада ривожлантириш учун янги имкониятлар очади.

Айтиш жоизки, тадбир том маънода ишчанлик руҳида ўтди. Унда Ҳиндистоннинг Марказий Осиё мамлакатлари, жумладан, Ўзбекистон билан савдо-иқтисодий алоқаларига атрафлича баҳо берилди ва минтақада ҳинд бизнесменлари учун катта имкониятлар мавжудлиги таъкидланди.

**Шухрат УМИРОВ,
«Жаҳон» АА,
Дехли.**

Ўзбекистон Фанлар академияси И.Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институтини «Миллий истиқлол ғояси — барқарорлик ва тараққиёт омилли» мавзусидаги доимий республика илмий-амалий семинарининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Файласуф, сиёсатшунос, фольклоршунос, тарихшунос ва ҳуқуқшунос олимлар, солиқ тизими ҳамда божхона хизмати ходимлари иштирок этган бу галги тадбирда миллий ғоя ва демократик тараққиёт масалалари юзасидан фикрлашилди.

МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ ҒОЯСИ ВА ЗАМОН

Анжуманда Фалсафа ва ҳуқуқ институти директори Қ.Назаров мамлакатимизда тараққиётнинг маънавий тамойилларини ривожлантиришга улкан эътибор қаратилаётганини алоҳида таъкидлади. Бу борада миллий истиқлол ғоясини аҳоли, айниқса, улгайиб келаётган авлод онги ва шуурига сингдириш, йиғит-қизларни Ватанга муҳаббат, азалий қадриятларимизга садоқат руҳида тарбиялашнинг аҳамияти катта. Асрлар оша яшаб келаётган бой адабий ва илмий меросимизни чуқур тадқиқ этиб, халқимизга етказишга қаратилаётган эътибор ана шу мақсадда хизмат қилади.

Тадбирда жорий йилда мамлакатимизда икки палатали парламентга ўтказилган сайловлар демократиянинг муҳим қўрилиши эканлиги таъкидланди. Институт олимлари Республика файласуфлар миллий жамяти билан ҳамкорликда яратган «Жаҳон фалсафаси» китоби, миллий истиқлол ғоясининг мазмуно-моҳияти, асосий тушунича ва тамойиллари тарғиб этилаётгани «Фалсафа ва ҳуқуқ» журналнинг нишона сони тақдими ўтказилди.

**Б.ХИДИРОВА,
ЎЗА мухбири**

Маълум

**КАФЕДРАГА
МАХСУС
ГРАНТ**

Ўзбекистон Миллий университетининг «Дастурлаш технологиялари» кафедраси шу соҳа мутахассислиги бўйича малакали кадрлар тайёрлашда дастлабки бой тажриба орттириш. Компьютерлар учун махсус ишланган дастурлардан эндиликда кўпчилик баҳраманд бўлмоқда.

Кафедра бакалавр ва магистрлар учун умумий ва махсус курсларни ҳам йўлга қўйди. Шу ўринда «Табииқий масалаларни компьютерда моделлаштиришнинг замонавий усуллари» деган ўқув машғулотини алоҳида курсатиб ўтиш жоиздир. Бу хил сабоқларнинг янада қизиқарли бўлишини таъминлаш учун қатор техника воситалари жалб этилди.

Бу каби ибратли фаолияти учун кафедра фан ва технологиялар марказининг фундаменталь фанлар бўйича грантини қўлга киритди.

**ОЛИЙ
ЭХТИРОМ
ДИПЛОМИ**

Камолиддин Бехзод номидаги Тошкент Давлат миллий рассомчилик ва дизайн институтига таълим сифатини ошириш йўлида қатор муҳим тадбирлар қўрилмоқда. «Энг яхши факультет», «Энг яхши кафедра», «Энг яхши мураббий» деган номда ўтказилаётган танловлар ҳам ўз ибтидоий натижасини бераётир.

Олий ўқув юрти профессор-ўқитувчиларини бундай рағбатлантирувчи маърифий тадбирлар қаторига «Олий ахтиром дипломи» ҳам қўшилди. Институт профессор-ўқитувчилари ва иқтидорли талаба-ёшларнинг ижодкорлик салоҳиятларини ошириш мақсадида амалга оширилган бу янгилик ҳам ўзига кенг йўл топди.

Бундай фахрли дипломи қўлга киритган дастлабки совриндорларга кўрақ нишонлари ҳам топширилди.

**АХБОРОТ
ТЕХНОЛОГИЯ-
ЛАРИГА
КЕНГ ЙЎЛ**

Ўзбекистон Миллий университети факультет ва кафедраларида талабаларнинг компьютер савдоқонлигини оширишга қаратилган таълимий тадбирларга алоҳида аҳамият берилмоқда. Олий ўқув юртида «Журналистика институти ва юқори ахборот технологиялари» деб номланган кафедра ташкил этилиши ҳам айнани мудоаа бўлди.

Кафедрада «Журналистикани компьютерлаштириш» деган янги фандан ўқув машғулотлари ҳам йўлга қўйилди. «Ўзбекистонда Интернет тараққиёти» предмети бўйича олиб борилган машғулотларга бўлган қизиқиш янада ортди.

Ана шу сабоқлар бўлажак журналистларнинг ахборот технологияларидан олаётган билимларини янада мустаҳкамлашга ёрдам бермоқда.

Талаба-ёшлар томонидан амалга оширилаётган изланишлар бевосита компьютер технологияларига бағишланаётганини ҳам айтиб ўтиш жоиздир. Жумладан, «Информацион маданият» деган мавзуда илмий иш ҳам юзга келди.

Акбар АЛИЕВ

Конституцияга кўра, Ўзбекистон халқи давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир. Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. «Янги конституциямизнинг энг муҳим моҳияти шундан иборатки, — деб таъкидлайди Юртбошимиз, — унда давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдига масъулдирлар, дейилган, яъни фуқаролар манфаатининг устулиги қонуний равишда мустаҳкамланган ва кафолатланган».

Фуқароларнинг демократик ҳуқуқ ва эркинликлари Конституция ва қонулар билан ҳимоя қилинади. Давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик тамойиллари асосида амалга оширади. Конституцияда мустаҳкамланган ушбу меъёрлар давлат билан фуқаро ўртасидаги муносабатларнинг асосини белгилаб беради.

Ўзбекистон Конституциясини инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқий ҳолатлари асосларини эълон қилади, мустаҳкамлайди ва кафолатлайди. Унинг асосий, энг катта қисмларидан бири — II бўлими «Инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари» деб номланади ва V-XI бобларни ўз ичига олади. Бунда Конституциямиз инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясининг барча асосий ғоя ва қоидаларини ўзига сингдиради ва халқро ҳуқуқнинг умум.этироф этган бошқа меъёрларидан келиб чиқади.

Конституция фуқароларнинг фақат энг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчларини белгилаб беради. Улар жорий қонуларда аниқлаштирилади, ривожлантирилади ва моҳият жиҳатдан тўлдирилади.

Конституциямизнинг 18-моддасида барча фуқароларнинг бир хилдаги ҳуқуқ ва эркинларга эга эканлиги эътироф этилган. Бунга кўра фуқаролар жинси, irqи, миллати, тили, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдига тенгдирлар.

Ушбу моддада белгиланган миллий ва irqий тенглик принципи миллий ёки irqий мансублигига қараб ҳеч қандай имтиёзлар ёки чеклашлар бўлиши мумкин эмаслигини аниқлайди. Ўзбекистонда ҳар қандай irqий ёки миллий алоҳидликни, душманликни ёки менсимасликни тарғиб қилиш қонун бўйича қатъиян тақиқланади.

Юқоридегилар билан бирга, Конституция фуқароларга қайси тилда сўзлашишларига қараб алоҳида имтиёзлар бермайди ёки таъқиқлар ўрнатмайди. Қонуларимизга кўра, мамлакатимизда яшовчи барча миллат вақилларига ўз она тилларидан тўлиқ фойдаланиш имконияти таъминланган.

Ўзбекистон Конституцияси фуқароларга хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқини бериш билан бирга, уларнинг динга муносабатига қараб алоҳида мавқега қўйилмаслигини ҳам белгилайди.

Конституциямизнинг 18-моддаси мазмунан яна шуни белгилайдики, бунга биноан, фуқаронинг ижтимоий келиб чиқишига кўра қайси авлодга, қандай табақага мансублигини аниқлаб, унга алоҳида ҳуқуқ ва эркинликлар берилмайди. Фуқаро авлоди ўтмишда ким бўлган, ҳозир эса ким бўлмасин бундан қатъи назар, тенг ҳуқуқлидир ва қонун олдига тенгдир.

Мазкур модда фуқаронинг эътиқоди бўйича ҳам қонун олдига тенглигини назарда тутади. Асосий Қонунимизда ижтимоий ҳаёт

сиёсий институтлар, мафқуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланади, дейилади. Ҳеч қайси мафқура давлат мафқураси мақомига кўтарилиши мумкин эмас. Қандай мафқурага эга бўлишни ёки бирор динга эътиқод қилиш-қилмаслики фуқаронинг ўзи танлайди ва бунинг учун қонун алоҳида имтиёзлар бермайди ёки чеклашлар ўрнатмайди. Фуқаро эътиқоди бўйича ким бўлишидан қатъи назар, қонун олдига тенгдир.

Конституциямизнинг 18-моддаси иккинчи қисмида шу нарса алоҳида кўрсатиладики, бунга кўра, фуқаролар фақат қонунда кўрсатилган баъзи ҳолларда маълум имти-

асосида қабул қилинган бошқа қонулар шахсининг ҳар томонлама ривожланиши ва камолотга эришиши учун реал имкониятларни яратлади.

Конституцияга биноан, давлат фуқароларга шахсий, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда кенг ҳуқуқ ва эркинликлар бериш билан бирга уларнинг амалга оширилишини амалда кафолатлайди. Дарҳақиқат, Конституциямизнинг 19-моддасида кўрсатилганидек, фуқароларнинг Конституция ва қонуларда мустаҳкамлаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг гайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади. Давлат айна вақтда фуқаролар зиммасига маълум маъсулиятларни, яъни бурчларни ҳам юклайди. Фуқаролар Конституция ва қонуларга риоя этишга, бошқа кишиларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилишга ҳамда Конституцияда кўзда тутилган бошқа бурчларни оғишмай бажаришга мажбурдирлар.

Шу нарсани унутмаслик керакики, фуқароларга берилган кенг демократик ҳуқуқ

ва жамиятнинг ҳамда бошқа кишиларнинг қонуний манфаатларини чеклаш, обрў-эътиборини тушириш, уларга пўтур етказиш ва шунга ўхшаш мақсадларга фойдаланмасликка лозим. Шахсга, унинг ҳуқуқ ва эркинликларига, мултика, табиий муҳитга, жамоат ва давлат манфаатларига ҳамда бутун ҳуқуқ-тартибга жиноий таъовуз қилиш, шунингдек инсониятнинг тинчлигини ва хавфсизлигини бузиш жиноий хатти-ҳаракатлар доирасига кирди ҳамда жиноят қонуни билан жавобгарликка тортиш учун асос бўлади. Бундай ҳолларда Конституцияда кўрсатилганидек, суд қарори билан фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларини чекланиши ёки улардан маҳрум этилиши мумкин. Жиноят Кодексининг махсус қисми-VII боби фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши жиноятлар учун жавобгарликларни белгилайди ва айбдор кишилар суднинг қарори, аниқроқ, ҳукми билан маълум ҳуқуқ ва эркинликлардан маҳрум этилиши ёки чеклаб қўйилиши мумкин. Лекин суднинг қарорисиз бундай қилишга бошқа ҳеч қандай асос эмас. Шундай қилиб, Ўзбекистонда фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари ва эркинликлари тўла ва амалда мавжуд. Уларнинг амалга оширилиши қўйидаги воситалар билан таъминланади.

Биринчидан, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини моддий, сиёсий, маънавий ва юридик жиҳатдан кафолатланади.

Иккинчидан, бу кафолатлар жамиятимиз моддий-техника базасининг ривожланиши, маданиятнинг ўсиши ва халқимиз ҳуқуқий онининг ошиб бориши билан кенгайиб ва чуқурлашиб бораверади.


Бизнинг асосий вазифамиз Конституцияда мустаҳкамланган ҳуқуқ ва бурчларимизни тўғри аниқлаб, улардан оқилона ва одилона фойдаланиш, жамиятимиз раванкага муносиб ҳисса қўшишни иборатдир.

**Ҳайдарали МУҲАМЕДОВ,
Тошкент Давлат
юримдик институти доценти**

*Конституциямиз ашмоқда
ва амал қилмоқда*

АДОЛАТ ВА ТЕНГЛИК ГАРОВИ

Мустақил Ўзбекистон Республикаси ўз Конституциясини қабул қилар экан, унинг муқаддимасидаёқ Ўзбекистон халқи инсон ҳуқуқларига содиқ қолиш, ҳозирги ва келажак авлодлар олдигаги юксак маъсулиятни англаш, демократия ва ижтимоий адолатга садоқатни намоян қилиш, фуқароларнинг муносиб ҳаёт кечирishiларни таъминлашга интилиш, инсонпарвар, демократик ҳуқуқий давлат барпо этишни қўзлаш, фуқароларнинг тинчлиги ва миллий тўтувлигини таъминлашни мақсад қилиб олиш каби маъсулиятларни зиммасига олганлигини эътироф этади.



ёзларга эга бўлиши мумкин. Бундай имтиёзлар, албатта ижтимоий адолат принципига мос бўлиши шарт. Масалан, мамлакатимизда ноғиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида қонуларимизга биноан ноғиронларга бериладиган алоҳида имтиёзлар ўрнатилган. Худди шунингдек, Конституциямизнинг ўзида ҳам фуқароларнинг баъзиларига айрим имтиёзлар назарда тутилган. Жумладан, Олий Мажлисининг Қонунийлик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари дахлсизлик ҳуқуқидан фойдаланадилар. Уларни Олий Мажлисининг розилигисиз жиноий жавобгарликка тортиш, ҳибсга олиш ёки суд томонидан бериладиган маъмурий жазага тортиш мумкин эмас. Бу қоидалар ижтимоий адолат тамойилларига тўла мос тушади.

Шундай қилиб, Ўзбекистон Конституцияси фуқароларнинг ҳақиқий тенг ҳуқуқлигини ўрнатади ва тегишли қонулар орқали кафолатлайди.

Конституциямизнинг 19-моддасида эса республикамиз фуқароси ва давлат бир-бирига нисбатан бўлган ҳуқуқлари ва бурчлари билан ўзаро боғлиқдир, — деб алоҳида таъкидланган. Зеро, Ўзбекистон фуқароси деган номга эга бўлишнинг ўзиёқ фуқаронинг давлат билан сиёсий ва ҳуқуқий алоқасини келтириб чиқаради. Фуқаролик-шахсининг муайян давлат билан барқарор, доимий ҳуқуқий алоқасидир. Ўзбекистонда ягона фуқаролик барқарор этилган. Бу шунинг аниқлиги, Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси Конституция ва бошқа қонуларда белгиланган, ҳамма фуқаролар учун ягона ҳисобланган барча ҳуқуқларга эга бўлади ва бурчларни бажаради. Фуқаро — бу давлатда яшовчи, муайян ҳолатга, ҳуқуққа ва бурчга эга бўлган, давлатга ва ҳуқуққа муайян муносабатда бўлувчи киши. У давлат ҳимоясидан фойдаланади ва давлат томонидан зиммасига юкланадиган маълум бурчларни бажаради.

Бизда фуқаро билан давлат ўртасида қарам-қаршиликлар тўғрисида сўз ҳам бўлиши мумкин эмас. Чунки Конституция ва унинг

қарам-қаршиликлар тўғрисида сўз ҳам бўлиши мумкин эмас. Чунки Конституция ва унинг

Мамлакатимиз Истиклолга эришган илк йиллардан оқ юртимизда кичик ва хусусий бизнесни ривожлантириш, мулкдорлар синфини шакллантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Иқтисодиётни эркинлаштириш, ижтимоий-сиёсий ислохотларни чуқурлаштиришнинг боз мезони ҳам хусусий мулк эгаларини қўпайтириш билан бевосита боғлиқдир.

Қарор ва ижро

МУҲИМ ЙЎНАЛИШ

Бу борада ҳукуматимиз томонидан бир қатор ишлар амалга оширилиб, талайгина дастур ва қарорларнинг қабул қилинганлиги ҳам танлаган йўлимизнинг нақадар тўғрилигидан далолат беради. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг 2001 йил 22 августда қабул қилинган «Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш тизи-

мини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори соҳани ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади. Унга кўра тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш тизими соддалаштирилди. Оқибатда 2002 йилда кичик ва хусусий бизнес субъектларини рўйхатга олишнинг ўртача кўрсаткичи 2001 йилдагига нисбатан 1.5 баробар кўпайди. 2002 йил-

йилда 368.6 мингта янги иш ўринлари яратилди.

Кичик ва хусусий бизнесни ривожлантиришда халқаро молиявий муассасалар билан ҳамкорликни кучайтириш ҳам муҳим йўналиш ҳисобланади. Мустақиллик йилларида кичик ва хусусий бизнес субъектлари учун 356 миллион АҚШ доллари миқдоридан хорижий сармоя киритилди, уларнинг 260 миллионини ўзлаштирилди. Бу эса тармоқни янада ривож топтириш учун хорижий сармоя киритишнинг қўпайтиришга эришишда анчагина ишларни амалга ошириш лозимлигини кўрсатади.

**Шерзод РАҲАБОВ,
Даврон ВАҲОБОВ**

Шарқ дурдоналари

Оз-оз ўртаниб
Домо бўлув...

• Биттагина хайрли иш бир олам илмдан афзал.

• Агар сиз билимдон бўлсангиз, ўзгаларга ҳам уни ўргатинг. Сиздаги нурдан улар ҳам ўз шамчиқроқларини ёндириб олишсин.

РИВОЯТ. Эронда бир подшо бўлиб, унинг шундай одати бор экан. У жанг қилганда, яхши ташкил этилган ва яхши таъминланган қора либосли алоҳида бир қисм сипоҳлари бўлар экан. Жанг қизган пайтда ўша сипоҳларига олдинга чиқиб, жанг қилишни буюрар экан. Шундай бўлибдики, ёғий томондан эллик мингга яқин катта қўшин келиб, уруш хавфи туғилибди.

Подшоҳ ўз дилига хуш келган хос одамлар билан мағрур ўтирарди. У жангни бошқа кунга кўчиришни ихтиёр қилибди. Қаламдон ва қаламини талаб қилиб, бир парча қоғозга: «Айтинг, қора либосли сипоҳлар қайтсинлар», деб ёзиб уни вазирага берибди. Вазир ўқиб чиқибди, лекин бу гап унга ёқмабди. У ўзининг саҳтиён этганининг қўнжидан қаламдонни олиб, сийаҳ сўзининг остига бир нуқта қўйиб, уни сипоҳдорон қилибди, сўнгра гарданд сўзига битта нун қўшиб, уни «нагарданд» қилибди ва у ўз қўшинига юборибди. Улар мактубни ўқиб чиққач, олға юриб душман сипоҳларига шикаст етказибдилар. Шу боис учун «Сийар ул-мулук»да бир нуқта билан 50 минг қилч тор-мор қилинган деб ёзилган. Шундай қилиб, қудратли душмандан ақл-заковат билан ғолиблик қилинган экан.

БАЙТ:

Баҳслашганда сен

доимо эзмалардан

нари қоч,

Ҳамманинг тили

бурро, ақлчи —

оз оламда.

(Давоми. Боши газетанинг ўтган сонларида)

Ўзбекистон жаҳонга чиқа бошлади, жаҳон ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнини эгаллашга уринмоқда. Айни пайтда кўнчлики бир ҳодисани ҳам айтиб ўтиш жоиздир: Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоом Каримов бир пайтлар таъкидлаган "қоп ичида яшаётган" Ўзбекистонга энди жаҳон кириб келмоқда, ўзининг салобати, шуқуҳи, сармоёси билан... Ушбу қутлуг жараён суръати жуда баланددир, у шиддат билан давом этмоқда.

Бу жараёнда қайнаб-тошаётган ватандошларимиз кўп...

Жаноб Насруллоҳ Тўра ана шундайлардан бири бўлишга шошилди.

Саид Махмудхон Тўранинг ўғли Насруллоҳ Тўра, ёки соддагина қилиб "Нусрат бей", "Нусрат ака" деб ёзозланадиган бу инсоннинг ҳаёти ҳақ йўлни қидириб, хорижда, Ватандан йироқда саргардонлик укубатларини тортган жуда кўп ватандошларимиз ҳаётини эсга солади. Ҳар доим Ватан соғинчининг дилдаги оғир залвори остида яшамок, юртдан юртга кўчмоқ, Ватанга қайтман, деган улуг ордудан умидвор кун кечирмоқ... Бу тарихнинг қатлари кўп, дарду изтироблари бисёрдир...

Мухтарам ўқувчим, хабарингиз бор, қиссамизнинг бошида Насруллоҳ Тўранинг 1940 йилда Қобулда туғилганлиги ҳақида айтиб ўтган эдик... Олти ёшида падари бузруквори Саид Махмудхон Тўра мударрислик қилаётган "Хаббия" ўқув юртига ўқишга кирди, илк саводини шу ерда чикарди. Кейин Туркия, Адана... Насруллоҳ Тўра Адана лицейини битириб, Анкара олий техника ўқув юртида тахсил ола бошлади.

Ногаҳонда бошига бало-қазо ёприлгандай бўлди — падари бузруквори, соябони Саид Махмудхон Тўра вафот этди...

Беш ука билан бир сингил катта акага қараб қолди, кундузи ишлаб, кечкурунлари ўқини давом этдиришга тўғри келди.

Йигирма уч ёшга кирганида Севим Юракли деган турк қизини учратди, тақдирлари бир экан, оила қурдилар.

Икки йилдан кейин қизи Насира туғилди, кейин ўғли Ҳокон... Германияга кўчиб ўтгандан кейин Гёте институтининг кечки бўлимига кириб олмон тилини яхши билиб олди. 1972 йилда Берлин Техника университетига ўз ихтисоси бўйича докторантурани битирди ва "Херберл Линдер Фуб" дастгоҳлик фирмасида бош муҳандис бўлиб ишлаб бошлади.

Кейинчалик еттига тилни пухта ўқиб-ўрганди...

Бари айтишга осон, уларнинг тагида тинимсиз изланиш, меҳнат, машаққат, сабр-тоқат яшриниб ётибди.

Насруллоҳ Тўранинг эсида, "ҳаракатда баракат", деган сўзларни такрорлашни яхши кўрар эди хилбаҳоги Саид Махмудхон Тўра ва фарзандларини ҳам шунга даъват этарди. Шундай бўлди, Насруллоҳ Тўра ҳаракат қилди, бир жойда тўхтаб турмади.

1974 йилда ўзининг илк "Тўра экспорт-импорт" ширкати ташкил қилди. Берлинда иш бошлаган бу ширкат тез фурсатда Туркияда, Польшада ўз бўлимлари очди, 1979 йилда Нью-Йоркда ҳам илдиз отди... Ширкат фаолияти кенгайиб борди. Дунёнинг уч қитъасида иш олиб бораётгани учун унга Германиянинг махсус сертификати асосида "Тўра Интернейшл"(байналмилал) номи берилди.

Насруллоҳ Тўра тин билмади, Германиянинг машҳур "Имотекс" тижорат марказига аъзо бўлиб кирди ва "Модесса" ширкати очди. Шундан кейин кетма-кет юзга яқин ўрта ва кичик корхоналарни ишга туширишда фаол қатнашди...

Шу аснода қизи Насира билан ўғли Ҳоконни билими ва маърифатли инсонлар қилиб вояга етказишни ҳам бир лаҳза унутмади.

Кўнглининг бир четиди эса ота-оналари учун армон бўлиб қолган буюк Ватани — Ўзбекистон муқим жой олган эди.

Фуревти келганда шунини таъкидлаб ўтиш жоизки, Саид Исҳоқхон Тўранинг ўғилларидан бўлмиш Зокирхон Тўранинг авлодлари — Лутфуллохон Тўра, Нўмон-

хон Тўра, Маъсумхон Тўра ва Ҳабибулло Тўралар ҳозирги кунда Чустнинг Тепакўрғон қишлоғида истиқомат қилишади. Саид Махмудхон Тўра ҳали Арабистонда эҳалигида абадий соғинчлар оғушида интиқ бўлиб қариндошларига неча марта талаб хатлар ёзиб юборган эди. Хатлар Чустга етиб келарди. Аммо амакилари эски тузум истибодидан кўрқиб, биз бу одамни танимаймиз, бизнинг қариндошимиз эмас, деб хатни изига қайтариб юборишга мажбур бўлишарди...

Буни амакиси Лутфуллохон Тўра кейинчалик Насруллоҳ Тўрага хикоя қилиб берганди. Чиндан ҳам, эрадан аввал олтинчи асрда яшаган юнон масалчиси Эзоп билиб айтган экан: «Ватандан кетганлар ёт элларда мусофирчилик азобини тортуб яшайдилар, устига устак ўз юртида улардан бегонасирайдилар...»

Вақтлар келиб бир кун ўз юртига қайтаганини орзу қилган ва ҳеч қачон ноумидликка берилмаган Саид Махмудхон Тўранинг "Албатта Ватанга қайтажакимиз!" деган сўзларини хамиша ёдида сақлаган Насруллоҳ Тўра ногаҳон Ўзбекистоннинг

ёзади Насруллоҳ Тўра юқорида номи зикр этилган "Юрт соғинчи" мақоласида.

Муборак ҳадисда айтилишича, — юқорида ҳам таъкидлаган эдик, — ибодат ўн қисмдан иборат бўлиб, тўққизтаси халоллик талаби, қолган биттасигина ибодат ҳисобланар экан. Буни такрор келтиришимизга сабаб, уни Насруллоҳ Тўранинг жуда чиройли изоҳлари бўлди:

— Масжидда биз ўзимиз учунгина ибодат қиламиз. Бу — ўнтининг биттаси. Агар жамият, халқ учун бирон эзгу иш қилсак, мана бу миллат учун ибодат бўлади. Қолган тўққизтаси шу...

Миллат учун ибодат!

Қандай шайорна сўзлар!

Мен уларнинг Насруллоҳ Тўра учун шунчаки сўзлар эмаслигини кўрдим. Ҳа, бу миллати учун қуйиб-ёнганлардан бўлган Саид Махмудхон Тўра фарзандларига хос фазилатдир.

Насруллоҳ Тўра тадбиркорлик ишларини ривожлантириш асносида Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоҳлар жамиятлари Кенгашида маслаҳатчи бўлиб ишлаб бош-

лади, халқаро "Олтин Мерос" хайрия жамғармаси билан ҳамкорлики йўлга қўйди. Айни пайтда Халқаро Амир Темур фондида фаолият кўргизиб келмоқда.

Ватанига қайтганидан бери миллат учун ибодат қилмоқдан тингани йўқ.

қўлидан келганича халқимиз мушкулларини енглир этмоқ, кўмакка шошилмоқ пайида...

"Болажонларни тез ва соғлом бўлиб тузалиши учун бизнинг шифохонага баъзи тиббий асбоб-анжомлар зарурдир, — деб ёзишди Насруллоҳ Тўрага Тошкентдаги шифохоналардан биридан. — Биз Сиз жаҳоннинг мустакил дийримизни ўз ота юртим, деб келиб, унинг туپроғини кўнчигизга суртиб, ҳамшаҳарларингизга кўп илтифоту ёрдам бераётганингиздан хабардормиз. Аллоҳдан ўз дардларизда шифо тилаётган бемор болажонлар номидан Сизга чуқур ҳурмат билан ишбу шифохонага моддий ёрдам кўрсатишингизни илтимос қиламиз..."

Мактубга шифохонага зарур бўлган олти асбоб-анжом рўйхати илова қилинган: 1. Сунъий нафас олдириш анжуми (Германияники ёки Финляндияники бўлса). 2. Болалар реанимация ўрни (Англия, АҚШ). 3. Кувез-инкубатор (Венгрия). 4. Болалар лорингоскопи. 5. Компьютер. 6. Плазмодерм анжуми...

Бошқа бир мактубда эса мана бундай сўзларни ўқиймиз: "Мухтарам Насруллоҳ Тўра жаноблари, Университет Сизга ўзининг чуқур эхтиромини билдириб, университетга кўрсатаётган бегарас ёрдамнингиз (компьютер ва ҳомийлигингиз) учун ўз миннатдорчилигини изхор этади ва ҳамкорлики давом этдиришга умид қилади..."

Мактублар кўп...

Бир мактубда хайрия сифатда ташкилотга олтига компьютер тақдим қилинганлиги учун мамнулик изхор этилади. Бошқаларида эса хайр-эхсон сифатида моддий ёрдам кўрсатилганидан миннатдорчилик билдирилди. Мусика мактаб-интернати уч илгор ўқувчисини Италияга Неаполь шаҳрига халқаро мусика танловига юборишда моддий ёрдам сўрайди; Шарқшунослик институтининг ёш тадқиқотчиси Германиянинг Гессен университетиди олти ой ўқини давомида қанча молиявий кўмак зарурлигини асослайди ва Насруллоҳ Тўранинг "Ўзбекистонда Ватан ва ватандошлар манфаати йўлида қилаётган хайрли ишларидан хабар топиб" бу ишда ёрдам беришни ўтинадди, Шайхонтохур ички ишлар бўлимига эса компьютер ва нусха кўчириш машинаси керак...

Алишер Навоий ўзининг "Махбулқулуб" асарига саховат ва ҳиммат ҳақида тўхталиб, дурдона фикрларини ўртага ташлайди. У ёзади: "Саховат — инсоният боҳининг ҳосилдор дарахти, балки у дарахтнинг фойдали мевасидир. Саховат одамийлик мулкнинг мавж уриб турган денгизидир, балки у тўлқинли денгизнинг бебаҳо гавҳаридир. Ҳиммат ахлининг ихтисоси — саховатдир; бу улусифат — покиза кишиларга хосдир..."

(Давоми келгуси сонда)

Ўзбек адиблари — «Оқшом» учун

Мухаммад АЛИ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

АБАДИЙ СОҒИНЧЛАР

РОМАН — ХРОНИКАДАН БОБЛАР

мустакилликка эришганидан хабар топди, топди-ю боши нақ осмонларга етди. Ватан овоз! Ватан овоз ва хур!

У отасининг қачонлардир айтган доно сўзларини эслади: "Кишига, ўғлим, Аллоҳ таоло учта бойлик ато этади — куч-соғлиқ, ақл-тафаккур, пул-сарват, — деган эди ота. — Асил бойлик қайси бири? Пул келади, кетади. Куч келади, кетади. Ақл-тафаккур эса қолади, чинакам бойлик шулдир. Агар шу бойликни тўққан еринг, Ватанинг равнақи учун ишлата олиш насиб этса, ўзингни бахтлиман, десанг бўлади..."

Насруллоҳ Тўра она юртига қайтишга қатъий аҳд қилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоом Каримовнинг хориждаги ватандошларга қақурув-даъватига лаббай деб жавоб бериб, 1995 йилда Ўзбекистонга қайтиб келди...

Янги овоз мамлакатда даставвал тижоратни эмас, балки ишлаб чиқаришни ривожлантириш муҳимлиги жаҳон тажибасидан маълум. Узоқ йиллар мустамлакачилик шароитида бўлиб келган мамлакатда, афсуски, ишбилармонлик ва тадбиркорлик ишлари ҳам дабдурустан осонгина юришиб кетавермайдди. Бу аксиомадай бир гап. Узоқ яхши англаб етган Насруллоҳ Тўра 1996 йилда "Тўра Интернейшл Ко." фирмасини ташкил қилди, кейинроқ эса Ўзбекистон қарлар жамияти билан ҳамкорликда "Т&Т Интернейшл Ко." кўп тармоқли қўшма корхонасини ишга туширди. 1998 йилда "Қамолот" жамғармаси орқали йигирма бир нафар ўзбек ўғил-қизининг турли ўқув курсларида билим олишларига ҳомийлик қилди, Андижон Давлат университетини оталиққа олди.

Шу йили "Тўра Интернейшл Ко." фирмаси қошида губка ишлаб чиқарадиган завод ўз фаолиятини бошлади. Унга икки юз қирқ минг АҚШ доллари атрофида сармоя қўйилди. "Есемин" супермаркети ўз эшикларини ланг очди...

Сўхбатларимиздан бирида унга бундай савол бердим:

— Сармоянгизни Ўзбекистонга иштаяпсиз экан, бундан сизга нима фойда? — Жавобимдан хайрон бўлманг, — деди Насруллоҳ Тўра жилмайиб. — Мақсадим сармоямнинг фойдасини ташқарига олиб чиқиш эмас. Асло! Қанча фойда бўлса шу юртимда қолдириш. Ахир ташқарида ота-оналаримиз бу туپроққа етишмоқ учун ҳамма нарсадан қиммат бўлган жонидан ҳам кечиб юрт ҳақрида ёнганлар-ку. Уларнинг Она-Ватан ташналиги олдида бу сармоялар нима экан...

Жимлик чўқди. Иккимиз ҳам бу теран сўзлар мағзини чақиб, йиланиб қолдик.

"Ватанга келаётганда худди ҳажга келаётгандек, худди ибодат қилиш учун келаётгандек хис қилганман ўзини..." деб

Шарҳовчи**миқбари****ЭРОН:
НОМЗОДЛАР
АНИҚЛАНМОҚДА**

Эронда 2005 йил 13 май куни президент сайлови ўтказилиши маълум қилинди.

Конунга биноан бир киши президентликка кетма-кет фақат икки марта ўз номзодини қўйиши мумкин. Шу боис амалдаги президент Муҳаммад Хотамий бу галги сайловда фақат сайловчи сифатидагина иштирок этади.

Айни пайтда кузатувчилар келгуvida Эронни ким бошқариши тўғрисидаги турли тахминларни билдирмоқда. Хабарларга қараганда, асосий даъвогарлардан бири собиқ давлат раҳбари Али Акбар Хошимий Рафсонжонийдир.

Унга рақиб сифатида консерваторлар вакили, парламент депутаты Аҳмад Таваколий номи тилга олинмоқда. У 2001 йилги президент сайловда ҳам ўз номзодини қўйган эди.

Парламентнинг ҳозирги раҳбари Фуломали Хаддод Одил, собиқ бош вазир Хусайн Мусовий ва собиқ ташқи ишлар вазири Али Акбар Вилоятий ҳам президентлик учун курашиши тахмин қилинапти.

Хабарларга қараганда, даъвогарларнинг аксарияти ўз номзодини ҳали расман эълон қилгани йўқ. Лекин кузатувчилар бу номзодлар сайловда иштирок этса, имкониятлар деярли тенг бўлишини таъкидламоқда.

Масалан, Али Акбар Хошимий Рафсонжонийнинг голиб чиқиш эҳтимоли катта. У халқнинг меҳрини қозongan. Қолаверса, мамлакатда энг фаол ҳисобланган Фаровонлик партияси ва бошқа сиёсий ташкилотлар унга хайрихоҳлик билдирмоқда.

Таъкидлаб ўтиш керак, Али Акбар Хошимий Рафсонжоний 1989-1997 йилларда Эрон Ислom Республикаси президенти сифатида фаолият юритган. Саккиз йиллик танаффусдан кейин у яна президентликка ўз номзодини қўймоқда.

Хусайн Мусовийнинг имкониятларини ҳам кам деб бўлмайди. У Эрон-Ироқ уруши йилларида бош вазир лавозимида фаолият юритган. Катта сиёсий билим ва тажрибага эга.

Депутатлар эса А.Таваколий номзодини қўллаб-қувватлаши аниқ. Чунки уларнинг кўпчилигини консерваторлар ташкил қилади.

Хуллас, тахмин кўп. Сайловга ярим йил бор. Бу вақт ичида одамлар қайси номзодни қўллаб-қувватлаш борасида бемалол бир фикрга келиши мумкин.

**Фазлиддин АРЗИЕВ,
ЎЗА шарҳловчиси**

«Оқшом» — 2005 йилда

Мамлакатимизда ҳам, хориж давлатларида ҳам миллий каштачилик йўналишидаги маҳсулотлар чиқаришга ихтисослашган «Шарқ гули» корхонасини яхши билишади.

Бозор иқтисодиёти муносабатларида ўтиш даврида ушбу корхона дастлаб ёниқ турдаги акциядорлик жамиятига айлантирилди. Кейин очиқ турдаги акциядорлик жамияти сифатида фаолият кўрсатди. Ҳозирги кунда эса «Шарқ гули» масъулияти чекланган жамияти томонидан ишлаб чиқарилаётган ранг-баранг маҳсулотларнинг замонавий кўриниши ва сифати мижозларни мамнун этмоқда.

Айниқса Мустақиллигимизнинг 13 йиллиги байрами арафасида «Шарқ гули» МЧЖ исмида Туркиянинг «Krdex Tekstil Giyrm San. Tic LTD STI» компанияси билан ҳамкорликда «SHARK MODEL» қўшма корхонасининг ишга туширилиши нур устига нур бўлди.

Япония, Жанубий Корея, Туркия, Таиланд давлатларининг етакчи компаниялари тикув дастгоҳлари ўрнатилган «SHARK MODEL» қўшма корхонаси ойига 600 минг донга юқори сифатли трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватига эга. Мазкур қўшма корхонада ҳозирда болалар, ўсмирлар ва катталар учун майка, футболка, шортик ҳамда бошқа маҳсулотлар тикилмоқда. Уларга хориждан ҳам буюртмалар тушмоқда. Қўшма корхонада CAD-CAM тизими бўйича ишловчи моделлаштириш ва дизайн бўлими мавжуд бўлиб, бу янги моделларни яратиш ва тезда ишлаб чиқаришга татбиқ этиш имконини беради.

Биз мақоламиз аввалида бежиз «Шарқ гули» масъулияти чекланган жамияти фаолияти хусусида фикр юритмадик. Зеро, ушбу илғор корхона ва «Оқшом» газеталари ўртасида мустаҳкам ҳамкорлик ўрнатилган бўлиб, журналистлар ва жамият ходимлари ўртасида тез-тез учрашувлар ўтказиб турилади, иш юзасидан фикрлар алмашилади.

Бинобарин, корхона иш фаолияти билан яқиндан танишиш, «Оқшом»

газеталарининг келаси йилга мўлжалланган режалари хусусида маълумот бериш ҳамда ишчи-хизматчиларнинг ўрнили фикр-мулоҳазаларини газеталарнинг келгуси фаолиятида инобатга олиш мақсадида таҳририят ходимлари ва «Шарқ гули» масъулияти чекланган жамияти жамоаси билан юзма-юз мулоқот ўтказилди.

Албатта, дастлаб таҳририят ходимлари газета фаолиятининг ўзига хос томонлари, муаллифлари, ёри-

воблар бўлди.

Бевосита мулоқот асосан аёллардан иборат бўлган жамият жамоасининг аксарият қисми «Оқшом» газеталарини доимий равишда ўқиб боришини кўрсатди. Жонли руҳда ўтган учрашув давомида корхона аҳли газеталарни рангли тарзда бошиш мумкинми? Улар бошқа виллоятларга ҳам тарқатиладими? «Оқшом»нинг бошқа газеталардан фарқи хусусидаги саволлар беришди, ёри-

раётган воқеа-ҳодисаларни янада тезкор равишда ёритиш лозимлиги, аҳоли, айниқса аёлларни иш билан таъминлаш юзасидан мақолалар мунтазам бериб борилса қабилидаги таклифларни билдиришди. Бўлажак сайловлар юзасидан ҳам ўзларини қизиқтирган йўналишлар бўйича батафсил жавоблар олишди. Корхона жамоасига «Оқшом» кутубхонаси туркумида чоп этилган «Оз-оздан ўрганиб доно бўлув» китобчалари совага қилинди. Сўнг «Шарқ гули» масъулияти чекланган жамияти бошқарув Кенгаши раиси Саида Фанисева, «SHARK MODEL» қўшма корхонаси директори Фарҳод Расуловлар таҳририят ходимларини қўшма корхонанинг бевосита иш фаолияти, чиқарилаётган янги рақобатбардош маҳсулотлар ҳамда ўрнатилган замонавий дастгоҳларнинг афзаликларини, лабораториялар ҳамда тажриба цехларининг иши билан таништиришди.

Кувонарли томони шундаки, «Шарқ гули» масъулияти чекланган жамияти ва «SHARK MODEL» қўшма корхонаси аҳли 2005 йил учун «Оқшом» газеталарига юзта обунани ташкил этишни режалаштираётган экан.

«Оқшом» таҳририяти ушбу хайрли ташаббус учун «Шарқ гули» масъулияти чекланган жамиятига чуқур миннатдорчилик билдирди.

Дилшод ИСРОИЛОВ
СУРАТЛАРДА: «Шарқ гули» масъулияти чекланган жамиятига бўлиб ўтган учрашувдан лавҳалар.

Ҳақимжон Солиҳов
олган суратлар.

Обуна — 2005**ЧЕВАРЛАР
ДАВРАСИДА
УЧРАШУВ**

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг самараси ўларoқ кўпгина ночор ҳолда ишлаётган йirik корхоналарнинг фаолияти қайтадан изга тушмоқда, экспортбон, сифатли ва замонавий маҳсулотларни ишлаб чиқаришга мўлжалланган қўшма корхоналар иш бошламоқда. Энг муҳими, замонавий технологиялар, хорижий етакчи компанияларида ишлаб чиқарилган энг сўнгги русумдаги дастгоҳлар билан жиҳозланган ушбу корхоналар ҳам қўшимча ишчи ўринлари яратиш, ҳам харидоригир маҳсулотлар тайёрлаш борасида ибратли фаолиятни амалга оширмоқда.



тилаётган асосий мавзулар хусусида батафсил маълумот беришди. Келаси йилга мўлжалланаётган янги мавзу, рун, йўналишлар тўғрисида ҳам сўз борди. Шунингдек, тобора яқинлашиб келаётган мамлакатимиз сиёсий ҳаётидаги муҳим воқеа — икки палатали парламент ва маҳаллий Кенгашларга сайловларнинг мазмун-моҳияти, номзодларни танлаш юзасидан ҳам қизиқарли савол-жа-

лалаштираётган экан.

«Оқшом» таҳририяти ушбу хайрли ташаббус учун «Шарқ гули» масъулияти чекланган жамиятига чуқур миннатдорчилик билдирди.

Ҳақимжон Солиҳов
олган суратлар.

КУТУБХОНА ХИЗМАТИ:**ЯНГИЧА ШАКЛ, ЯНГИЧА ТАЛАБ**

Тошкент Давлат авиация институтида «Фан, таълим, маданият ва бизнес соҳасида интернет ва кутубхона-ахборот ресурсларидан фойдаланиш» мавзусидаги учинчи халқаро анжуманининг очилиш маросими ўтказилди. Уни Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси директори, Ўзбекистон кутубхоналар ассоциацияси раиси Абдусалом Умаров олиб борди.

Анжуман Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, Ўзбекистон кутубхоналар ассоциацияси томонидан ташкил этилди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус

таълим, Халқ таълими, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари билан бирга қатор олий ўқув юртлири ҳамкор ташкилот сифатида фаолият кўрсатмоқда. Унда маҳаллий мутахассислар билан бирга

Европа ва Осиё мамлакатларидан келган олимлар ҳам иштирок этмоқда.

Уч кун давом этадиган тadbирда иштирокчилар мамлакатимиздаги кутубхоначилик ишлари, уларнинг ахборот ресур-

сларидан фойдаланиш тажрибаси хусусида фикр алмашилди. Ўзбекистон ва етакчи хорижий компаниялар томонидан яратилган илмий-таълимий электрон ресурслар, маълумотлар базалари дастурлари тақдироти ўтказилди. Айрим семинар-тренингларни Швеция ва Германиялик мутахассислар олиб боришди.

Анжуманда мутахассислар тўртта секцияга бўлиниб иш юритишмоқда.

Инобат ЭГАМҚУЛОВА,
«Туркестан-пресс»

Спорт

**ГОЛИБЛАР
ТАҚДИРЛАНДИ**

Келажғимиз ворислари — ёшларимизнинг маънавий етук, жисмонан соғлом бўлиб вояга етишларида жисмоний тарбия ва спортнинг аҳамияти беқиёс. Шу боис ҳам кейинги йилларда халқ таълими, ўрта махсус касб-хунар таълими муассасалари ўқувчилари ўртасида тез-тез спорт мусобақалари ўтказилаётганлиги қувонарли ҳол.

Куни кеча Ҳамза туманида ўрта махсус касб-хунар таълими муассасалари ўқувчилари ўртасида волейбол бўйича мусобақалар бўлиб ўтди. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Ҳамза туман бўлими ташаббуси билан уюштирилган мусобақаларда тумандаги олтинта коллеж жамоаси голиблик учун кураш олиб борди. Шуниси эътиборлики, турнирға рақибларидан кўра пухта тайёргарлик кўрган Ҳамза темир йўл касб-хунар коллежи ҳамда Тошкент авиасозлик касб-хунар коллежи жамоалари финалда ўзаро рўбарў келишди. Рақибларидан кўра чақонроқ, эпчилроқ ҳаракат қилган Ҳамза темир йўл касб-хунар коллежи ёш волейболчилари — мурасасиз, қизиқарли беллашувда голиб чиқиб мусобақа пешқадами дея эътироф этилишди. Турнир якунида голиб жамоага мутасаддиларнинг совринлари, эсдалик совгалари топширилди.

(Ўз мухбиримиз)

«Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталари жамоаси шарҳловчи Муҳаббат Ҳабибуллаевага падали бузруквори

**Абдурусул ота
УМАРБЕКОВ**нинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик ихзор этади.

Тошкент шаҳар ҳокими маҳкамасининг Молия бош бошқармаси жамоаси Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Назорат-тафтиш бош бошқармаси бошлиғи

**Обобахром Турғунович
ЙҮЛДОШЕВ**нинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик билдириб, чуқур таъзия ихзор қилади.

Эшак эшиш

**ЁШ ВА ЖАСУР
СПОРТЧИЛАР БЕЛЛАШДИ**


Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Республика эшак эшиш федерацияси ҳамда сув спорти турлари бўйича Республика олий спорт маҳорати мактаби билан ҳамкорликда эшак эшиш слалом бўйича мамлакат очик биринчилигини ташкил этди.



Мусобақада қозоғистонлик эшакчилар, Самарқанд вилояти спортчилари, Республика Касаба уюшмалари спорт мактаби вакиллари ҳамда шаҳримиздаги 23-мактаб жамоаси ғалаба учун кураш олиб борди.

Шуни айтиш кераки, эшак эшиш слалом нисбатан ёш спорт тури бўлиб, республикамизда у 1998 йилдан буюн оммалаштирилмоқда. Шундай бўлса-да, мазкур спорт тури юртимизда тез ривожланмоқда. Жумладан, бу йил мамлакатимиз ўсмирлар жамоаси Австрия ва Францияда ўтказилган халқаро мусобақаларда иштирок этди.

Мамлакат очик биринчилиги мусобақаларида ўсмирлар орасида Иван Мягкий, Юрий Мягкий, Андрей Николаев, Михаил Румянцев каби тошкентлик спортчилар, Самарқанд шаҳри вакили Глеб Тим-



Екатерина Кожевникова зафар

(Ўз мухбиримиз)

СУРАТЛАРДА: очик биринчиликдан лавҳалар. Наталья Семёнова олган суратлар.

Ҳар бир ёнгин инсонларнинг лоқайдликлари, бепарволиклари, ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилмасликлари оқибатида содир бўлаётгани аён. Биргина мисол келтирамиз. Шу йил кузнинг бошида шаҳримиздаги «Карвон бозори»да ёнгин чикди. Тадбиркорларга қаршли иккита катта дўкон ичидаги жами қимматбаҳо жиҳозлари билан ёниб кул бўлди. Ёнгин электр тармогининг қиска туташуви, аниқроғи, масъулиятсизлик ва бепарволик оқибатида юз берди.

Ёнгинларнинг олдини олишда аҳоли ўртасида ўтказилаётган кенг қўламдаги тушунтириш ишларининг аҳамияти каттадир. Бу нарсага, айниқса, болалар ўртасида кўпроқ эътибор қаратиш лозим. Шу боис тадбир давомида ёнгин хавфсизлиги хо-

димлари тез-тез мактаб ва мактабгача таълим муассасаси-

Ёшлиқда берилган билим ва машғулотлар, ҳар қандай кўник-

ёнгинлар келтириб чиқариши мумкин бўлган ҳолатларни аниқлашга ва аҳоли билан ҳамкорликда бу камчиликларни ўз вақтида бартараф этишга ҳаракат қилмоқдалар. Тадбир давомида бундай ишларни янада кучайтиришга ва бу ишга оммавий ахборот воситаларини, меҳнат жамоаларини, маҳалла фаолларини ҳамда аҳолини кўпроқ жалб этишга ҳаракат қилади. Шуни унутмаслигимиз кераки, ёнгинларнинг олдини олиш, ўз уйимиз, фарзандларимиз, йиғиб-терган мол-мулкимизни ўзимиз асрашимиз барчамизнинг бурчимиз бўлиб қолиши лозимдир.

Суннатилла МЕЛИБОЕВ,
Акмал Икромов туман Ички ишлар бошқармаси ёнгин хавфсизлиги бўлими бошлиғи, подполковник.

Ёнгин хавфсизлиги ойлиги

**ЛОҚАЙД ВА БЕФАРҚ
БЎЛМАЙЛИК**

Мана бир неча йилдирки, республикамизда Вазирлар Маҳкамасининг фармойишига асосан «Ёнгин хавфсизлиги ойлиги»ни ўтказиш билан йилни якунлаш айланиб қолган. Бундан кўзланган асосий мақсад энг аввало, содир бўлиши мумкин бўлган ёнгинларнинг олдини олиш, аҳоли ўртасида кенг қўламдаги тушунтириш ва тарғибот ишларини кучайтиришдан иборатдир.

лари тарбияланувчиларига ёнгин хавфсизлигининг ҳаёт учун муҳим бўлган қоидаларини ўргатиб боришмоқда.

малар узоқ йилларгача ёддан чиқмайди. Бундан ташқари, соҳа ходимлари доимий равишда хонадонларда бўлишиб,

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНЛАР

**УЛГҮРЖИ ХАРИДОРЛАР ВА
НООЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ
ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 13 ноябрдаги «Ярмарка савдосини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ва 2004 йил 21 октябрдаги кўрсатмасига мувофиқ ШУ ЙИЛ 30 НОЯБРЬ — 3 ДЕКАБРЬ КҮНЛАРИ «Ўзбексавдо» акциядорлик компаниясининг Тошкент шаҳридаги Гвардия полковниги Хўжаев кўчаси, 1-уй «Ўзбекистон» теннис клуби биносида «Файз», «Ўзқишлоқхўжаликмашҳолдинг», «Ўзкимёсаноат», «Ўзкурулишматериаллари», «Ўзагромашсервис» компаниялари, «Ўзавтосаноат», «Ўзэлтехсаноат» уюшмалари, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, «Ўзбек қозғози» «Ўзқишлоқчиранглиметалл» акциядорлик жамиятлари, «Ўзметкомбинат» бирлашмаси, В.П.Чкалов номи «Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» давлат акциядорлик жамияти, Олмалик тоғ-кон металлургия комбинати, «Совпластитал» кўшма корхонаси, Ўзбекистон савдо-саноат палатаси ва бошқа корхоналар томонидан 2005 йилда ишлаб чиқариладиган енгил автомобиллар, мебель, маданий-маиший, хўжалик, электр хўжалик, қурилиш материаллари, қозғоз, заргарлик маҳсулотлари ва бошқа халқ истеъмол товарларига республика ҳудудида жойлашган, мулкчилик шаклидан қатъий назар барча истеъмолчилар билан шартномалар тузиш бўйича РЕСПУБЛИКА УЛГҮРЖИ-САВДО ЯРМАРКАСИ ЎТКАЗИЛАДИ.

Ушбу ярмаркага барча нооziқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи ва савдо корхоналари, ташкилотлар, кичик ва ўрта бизнес вакиллари, тадбиркорлар таклиф этилади.

Ярмаркага марҳамат!
«Ўзбексавдо» акционерлик компанияси

Мулоқот учун телефонлар: 139-10-93, 139-13-15, 139-10-25



**Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ**
Манзилимиз: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70;
эълонлар:
133-28-95, 136-57-65;
факс: (3712) 133-21-56.
Ҳажми — 2 босма табоқ обдест
усули билан.
2764 нуссада босилди. Қозғоз биринчи А-3

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатга олинган.
Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чикди.
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтасига» — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
«Шарқ» нашрийёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.